



Qonun ijodkorligi

ИПОТЕКА МУНОСАБАТЛАРИ

ва унинг ҳуқуқий асослари



(Давоми. Боши биринчи бетда)

Тасарруфдан чиқариш учун бошқа шахс ёки органининг розилиги ёхуд рухсатини олиш талаб этиладиган мол-мулк ипотека нарса бўлса, бу мол-мулк ипотекаси учун рухсат олиш зарур. Қонуннинг 15-моддасига мувофиқ, мулк мавжуд сифатидаги бутун қорхона ёки унга нисбатан ижара ҳуқуқи ипотека нарса бўлса ёки қарз суммаси шартнома тузиш пайтида аниқланмаган ва бу суммани лозим пайтда аниқлаш имкониятини берадиган шартларни ўз ичига олмайдиган пул мажбурияти ипотека билан таъминланса, гаров хатини тузишга ва беришга йўл қўйилмайди ҳамда ипотека тўғрисидаги шартномада баён қилинган гаров хати ҳақидаги шартлар ҳақиқий эмас, деб топилади. Қонуний асосдаги ипотекада гаров хати бериладиган тақдирда, қонуннинг 1-қисм ун биринчи ҳаётбошимизда кўрсатилган маълумотларни гаров хатига киритиш рўйхатдан ўтказувчи орган томонидан таъминланади.

Қонуннинг ипотека тўғрисидаги шартнома бўйича гаровга қўйилган мол-мулкнинг асралишини таъминлашга оид меъёрлари жумласига: ипотека нарсага эгаллик қилиш; ундан фойдаланиш ва уни асраш; гаровга қўйилган мол-мулкнинг асралишини лозим даражада таъминламаганлик оқибатлари; гаровга қўйилган мол-мулкни суғурта қилиш; гаровга қўйилган мол-мулкка бўлган ҳужжатлар бошқа шахсга ўтказилганда ипотеканинг сакланб қолиши; гаровга қўйилган мол-мулкка бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини юқлаш ва бундай мол-мулкнинг мажбурий олиб қўйилиши оқибатлари кирди.

Ипотекага қўйовчи ипотека нарсага эгаллик қилиш ва ундан мақсадга мувофиқ фойдаланишга, ипотека нарсадан махсуслот, ҳосил ва даромад олишга ҳақли. Агар ипотека тўғрисидаги шартномада бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, ипотекага

олувчи ана шу махсуслот, ҳосил ва даромад ҳуқуқларига эга бўлмайди. Ипотекага қўйовчи ипотека нарсага эгаллик қилиш, шикастланиши, бузилишига олиб келувчи ҳар қандай ҳавф-хатар тўғрисида ипотекага олувчини ўз вақтида ёзма тарзда хабардор этиши керак. Ипотекага олувчи ипотека тўғрисидаги шартнома амал қилмаган мuddат давомида ипотека нарсага эгаллик қилиш, ҳолатини, унинг асраш ва ундан фойдаланиш шартларини текшириш ҳуқуқига эга.

Қонунда наватбадгаги ипотекага олишда урин акратилган. Бунда, аввало, наватбадгаги ипотекага йўл қўйилган шартлар, ипотекага олувчиларнинг олдинги ва наватбадгаги ипотекалар тўғрисида оғохлантириш, ипотека тўғрисидаги олдинги шартномани ўзгартриш, наватбадгаги ипотекани давлат рўйхатидан ўтказиш, олдинги ва наватбадгаги ипотекалар бўйича ипотекага олувчиларнинг талабларини қаноатлантиришга доир ҳуқуқий меъёрлар белгиланган. Шунингдек, қонунда ипотека тўғрисидаги шартнома ёки ипотека билан таъминланган мажбурият доир ҳуқуқлардан бошқа шахс фойдасига воз кечиш, гаров хати бўйича ҳуқуқларни бошқа шахсга ўтказиш тартиби кафолатланган.

Ипотека билан таъминланган мажбурият асосида, кредиторга тегишли ҳуқуқ (талаб) унинг ўзи томонидан битмига ёки қонун асосида бошқа шахсга ўтказилиши мумкин. Агар ипотека тўғрисидаги шартномада бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, ипотекага олувчи мажбурият шартнома бўйича ўз ҳуқуқларини бошқа шахсга қарздорнинг розилигини талаб қилмасдан ўтказишга ҳақли. Ипотека тўғрисидаги шартнома бўйича бошқа шахс фойдасига ўз ҳуқуқларидан воз кечилганда, ипотека билан таъминланган асосий мажбуриятга доир қарздордан талаб қилиш ҳуқуқи ҳам ўша шахсга ўтади.

Агар шартномада ёки қонунда бош-

қача тартиб назарда тутилмаган бўлса, дастлабки кредиторнинг ҳуқуқи янги кредиторга мавжуд ҳажмда ва шартларда ўтади. Гаров хати бўйича ҳуқуқларни бошқа шахсга ўтказиш ёзма шаклда битим тузиш орқали амалга оширилади. Гаров хати бўйича ҳуқуқларнинг бошқа шахсга ўтказилиши талаблардан бошқа шахс фойдасига воз кечиш (цессия) оқибатларини юзга келтиради. Гаров хати бўйича ҳуқуқларнинг бошқа шахсга ўтказилиши ушбу ҳужжат билан тасдиқланган барча ҳуқуқлар ҳам ўша шахсга ўтказилганини аниқлатади. Гаров хати билан тасдиқланган барча ҳуқуқлар, шу жумладан, ипотека билан таъминланган мажбурият бўйича, ипотекага олувчининг ҳуқуқлари ва кредиторнинг ҳуқуқлари гаров хатининг қонуний эгасига тегишли бўлади. Гаров хати бўйича ҳуқуқлар бошқа шахсга ипотека билан таъминланган мажбурият (асосий мажбурият) қисман бажарилган ҳолда ўтказилаётганда шунга қадар бажарилгани лозим бўлган мажбуриятлар бажарилган, деб ҳисобланади.

Қонунда ундирувчи гаровга қўйилган мол-мулкка қайтариш тартиби белгиланган. Бунда, аввало, унинг асослари, усуллари, жумладан, ундирувчи гаровга қўйилган мол-мулкка суд тартибиде қаратиш каби ишларни қўриб чиқишда суд томонидан ҳал қилинадиган масалалар ёритилган.

Ипотекага олувчи ипотека билан таъминланган мажбуриятнинг бажарилиши ёки лозим даражада бажарилмагани, ҳусусан, қарз суммаси тўланмагани ёхуд ўз вақтида тўлик ёки қисман тўланмагани туфайли юзга келган, ипотека тўғрисидаги шартнома бўйича гаровга қўйилган мол-мулк ҳисобидан қаноатлантириш учун ундирувчи, агар шартномада бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, шу мол-мулкка қаратишга ҳақли. Қонунда назарда тутилган ҳолларда, ипотекага олувчи ипотека билан таъминланган мажбурият мuddатидан олдин бажарилишини талаб қилишга ва бу талаб бажарилмаган тақдирда ундирувчи гаровга қўйилган мол-мулкка қаратишга ҳақли. Агар ипотекага қўйовчи ўз мажбуриятларини бажарилган деб ҳисобласа ҳамда ўз ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини сураб судга мурожаат этган бўлса, ундирувчи гаровга қўйилган мол-мулкка қаратиш тўхтаб турилади. Қўйидаги ҳолларда ипотекага олувчининг талаблари факат суд тартибиде қаноатлантирилиши мумкин:

- мол-мулк ипотекаси учун бошқа шахс ёки органининг розилиги ёхуд рухсати талаб қилинса;
- ипотека нарсага тарихий, бадиий ёки бошқа маданий қимматга эга мол-мулк бўлса;
- ипотекага қўйовчи йўқолган ва унинг турган жойини аниқлаш имкони бўлмаса.

Қонуннинг 40-моддасига кўра, ипо-

тека тўғрисидаги шартнома бўйича гаровга қўйилган, суднинг қарорига мувофиқ ундирув қаратилган мол-мулк ким ошди савдосида сотиш орқали истифода қилинади. Ушбу қонунда назарда тутилган баъзи ҳоллар бундан мустасно. Гаровга қўйилган мол-мулкни истифода қилишнинг бу усули ипотекага қўйовчи ва ипотекага олувчи томонидан ипотека тўғрисидаги шартномада ёки ушбу қонуннинг 37-моддаси биринчи қисмига мувофиқ тузилган, нотариал тартибда тасдиқланган ҳолда амалга оширилиши мумкин. Гаровга қўйилган мол-мулкни ушбу қонуннинг 37-моддаси учинчи қисмида назарда тутилган ҳолларда аукционда сотиш орқали истифода қилишга йўл қўйилмайди.

Ипотекага олувчи ипотекага қўйовчи ўз талабларининг бажарилишини таъминлаш мақсадида:

- бухгалтерия ва бошқа ҳисобот ҳужжатлари мунтазам равишда тақдим этилишини, қорхонага тегишли мол-мулкка доир битимларни тузиш билан боғлиқ масалаларни олдиндан келишиб олишини талаб қилишга;
- қорхонага тегишли мол-мулк мўлдорига ёки юриколат берган органга қорхона раҳбари билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилиш талаби билан мурожаат этишга;
- ипотекага қўйовчи тузган битим ҳақиқий эмас, деб топилишини сураб судга даъво аризасини тақдим этишга;
- шартномага ёки қонунга мувофиқ бошқа ҳуқуқларни амалга оширишга ҳақлидир.

Ипотека фуқаролар (жисмоний шахслар) ёки юридик шахсларга мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган, доимий яшаш учун мўлжалланган яқка тартибдаги ва кўп қаватли уйларга ҳамда квартираларга нисбатан қўйилганда, давлат уй-жой фондига қарашли уй-жойларни ипотекага беришга йўл қўйилмайди. Воғга етмаган фуқаролар, муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган шахслар мулк бўлган уй ёки квартира ипотекаси мол-мулк билан боғлиқ битимлар тузиш белгиланган тартибда амалга оширилади.

Мамлакатимизда ипотека муносабатларининг ҳуқуқий асоси яратилиши кўчмас мулк гаровини қонун меъёрлари асосида амалга ошириш билан бирга, унда шитроқ этувчи субъектларнинг ҳуқуқий маданиятини шакллантириш ҳам тақозо этилади. Бу эса ўз навбатида, тегишли мутасадди идора ёки банк муассасаси ходимлари, шунингдек, ҳар бир шахсдан қонун меъёрларини пухта билиб иш юритишнинг талаб этиди. Қолаверса, қонунни амалиётда қўллаш тажрибасидан келиб чиқиб, уни тизимли таҳлил этиш, бу йўналишдаги назарий муаммолар бўйича илмий тадқиқот ишлари олиб бориш лозим. Демак, «Ипотека тўғрисида»ги қонуннинг ҳаётга таъбиқ этилиши фуқароларнинг фаровонлигини оширишга, аҳолининг муҳим эҳтиёжларини қондиришда ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.

Шўхрат РЎЗИНАЗАРОВ, юридик фанлари доктори

Islohot va imkoniyat

ОДИЛ СУДЛОВ

у кадрларнинг юксак салоҳияти туфайли рўёбга чиқади

(Давоми. Боши биринчи бетда)

Шунингдек, комиссия зиммасига малака ҳайъатларидан келиб тушадиган тақлифлар, кадрлар захирасига киритилган ва лавозимга тавсия этилган ҳар бир номзодга оид ҳужжатларни тўплаш, умумлаштириш, таҳлил қилиш, судьяларнинг статистик ва шахсий ҳисоботини, архив иштини юритиш, тақдим этилган ҳужжатларнинг тўла ва тўғрилгини текшириш комиссияси топшириғига кўра, судьялар захирасини шакллантириш, уларни танлаш, лавозимга тавсия этиш бўйича судьяларнинг малака ҳайъатлари фаолиятини ўрганиш вазираси юклатилган. Котибият олий юридик маълумотга эга бўлган ва қоида тартибда суд муассасаларида камида уч йил ишлаган

ходимлар ҳисобидан шакллантирилади.

Суд муассасалари ва суд кадрлари зиммасидаги маъсулият ва мажбуриятлар нечоғли улканлигини ушбу талаблар аққол кўрсатиб турибди.

Суд фаолияти ва судлов жараёнининг демократиялашуви кишилар кўз ўнгига рўй бераётти. Бу жараёнга мамлакатимиз Президентини томонидан ўтган йили қабул қилинган иккита тарихий ҳужжат «Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш» ва «Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш тўғрисида»ги Фармонлар катта ижобий таъсир кўрсатаётти. Ҳар икки Фармонни амалда қўллаш учун судьядан билим, малака, тажриба талаб қилиниши ўзидан аён. Адолат, ҳақиқат

ва қонунни ҳамма нарсадан устун қўя олувчи, қалби меҳроқибат сингари инсонийлик хисларига тўла кишиларгина бу соҳадаги ишларни муваффақиятли ҳал эта оладилар.

Ушбу меъорларга амал қилиш Ҳоразм вилоятидаги суд кадрлари зиммасига долзарб вазифа сифатида юклатилганини қайд этмоқ зарур.

Демократияга интилиш, албатта, демократик ёндашувни талаб этади. Зеро, тизимдаги ислохотлар ўзбекистонда ҳуқуқий демократик давлат қуриш, фуқаролик жамиятини барпо этиш, инсон ҳуқуқларини доимо эъозлашдек аэгу мақсадларга хизмат қилишини тушунмоқ даркор.

С. ХУЖАМУРАДОВ, Жиноят ишлари бўйича Ҳоразм вилояти судининг раиси

Qilmish-qidirmish

СОХТА ТАДБИРКОР

Солиқлар жамият тараққиёти, халқимиз турмуш фаровонлигини оширишга хизмат қиладиган омиллардан биридир.

Бундан ташқари, олган даромаддан солиқларни ўз вақтида тўлаб бориш маданиятли жамият аъзоларининг асосий бурчларидан бири саналади.

Ҳўш, ана шу бурй унутилганда-чи?!

Фельетон ўрнида

Бу ҳақда беҳиз фикр юритаётганимиз йўқ. Нега деганда, ҳаётда ўзининг бурчини унутиб қўйган, бошқача айтганда, фойда кўриш илнжиде атай солиқ тўлашдан бош тортган кимсалар ҳам учраб туради.

Рустам Файзуллаев бундан икки-уч йил мuddатдан яхши ният билан «Шириншоҳ» хусусий фирмасини ташкил этган эди. Мамлакатимизда кичик бизнес ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш мақсадида яратилган шарт-шароит ва имкониятлар унга қанот бағишлади. Бухоро шаҳар ҳокимлиги маъсумот ходимлари, мутасадди идоралар унга амалий ёрдам беришди. Аммо фирма рағбати бу рағбат ва эътиборни ўзича тушунди.

Аввало, у хусусий фирма Низомига «Низом жамғармасини шакллантириш учун «Париванабан» хусусий ёрик акциядорлик тижорат банки Бухоро филиалига қарашли банкдаги ҳисоб рақамиде 10.880.000 сўм пул маблағи борлиги тўғрисида сохта маълумот киритди. Бу ҳам етмагандек, хусусий фирмани, ҳали ташкил қилмай туриб, 2004 йил 1 январь кўни Бухоро шаҳар ДСИГА тақдим этган бухгалтерия балансининг 1-сон шаклига 2004 йил 17 февраль кўнида 33.000.000 сўм товарлар борлиги тўғрисида ёлгон маълумотларни киритишни ҳам «еплади». У ҳужжатларни қалбақлаштириш ҳисобида шаҳар ҳокимлигидан «Улғурчи савдо фаолияти билан шугулланиш ҳуқуқини берувчи гувоҳнома» олишга эришди.

Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 11 декабрдаги 548-сонли қарорининг 1-бандида, мулкчилик шаклидан қатъи назар, аҳоли билан нақд пулда ҳисоб-китоб қилувчи ва олий иш ҳақининг республикада белгиланган энг кам миқдоридан ортиқча қуллик тушумга эга бўлган қорхоналар ва ташкилотлар нақд пулни Марказий банкнинг инкассация хизмати орқали ҳар кўни топширишга мажбуриятлар, деб қайд этилган. У маъзур қарор ва Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 26 декабрдаги «Аҳоли билан нақд пул ҳисоб-китобларини амалга оширишда назорат касса машиналарини мажбурий қўллаш тўғрисида»ги 621-сонли ҳамда 2002 йил 5 августдаги «Нақд пул маблағларини банкдан ташқари айланмасини қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарор талабларига риоя қилмади. Иш фаолияти давомида савдодан тушган нақд 186.264.500 сўм маблағни банк муассасалари ихтиёрига инкассация орқали топширмадан хизмат кўрсатиш қондларини қўпол тарзда бузди.

Рустам Файзуллаев «фойда» кўришининг ҳадисини олган, яна бир қаллобликка қўл урди. Вилоят солиқни сақлаш бошқармаси бош ҳисобисини Раиса Степановна Ягудина билан тўли топшириб, 2004 йил 21 март кўни 14-сонли қалбаки шартнома тузишди. Унга кўра, вилоят солиқни сақлаш бошқармаси ҳисобига топширмаган 2.458.159 сўмлик озиқ-овқат махсуслотлари топширил-

ганлиги ҳусусиде нақд пул варақасида сохта маълумотлар пайдо бўлди. Бу бюджет маблағи хусусий фирма ҳисоб рақамига кўчирилиб, пул ўзлаштирилган, талон-торож қилинган, деган маънони аниқлатади.

Сохта тадбиркор Раиса Степановна билан 2004 йил 20 май кўни 24-сонли шартномани ҳам қалбақлаштирган. Ҳисоб ва рақамлари келишидан тарзда сохта имзолар қўйиб, 1.487.450 сўм бюджет маблағи ўртада талон-торож бўлган. Аслида шунча миқдордаги озиқ-овқат махсуслотлари солиқни сақлаш бошқармаси тасарруфидеги муассасалар оморхонасига етмай келмаган.

Орадан салкам бир ой ўтар-ўтмас икки ҳафтаси наватбадга жиноят ишга қўл уришган. 2004 йил 18 июни кўнидаги 621-сонли қалбаки шартномага асосан 860.950 сўм бюджет маблағи «Шириншоҳ» ҳисоб рақамиде қўш-қўллаб ўтказиб берилган. Аслида ҳар гал Рустам озиқ-овқат махсуслотлари ўрнига орғтехника жиҳозлари бериб, пуллари нақдга айлантириш билан шугулланган.

Шундан сўнг «Шириншоҳ» хусусий қорхонаси раҳбари «Шоҳруҳ Дўстлик» ирригация тизими бошқармаси раҳбарлари, маъсумот ходимлари билан хуфёна тўли бириктирди. Бошқарма таъминотчиси Баҳром Шодиёв хусусий қорхонага «транспорт хизмати» кўрсатилгани учун қорхона ҳисоб рақамига 1.200.000 сўм пул кўчиради. Бу маблағ ҳам талон-торож қилинган.

Хуллас, Рустам Файзуллаев қонун доирасида солиқ қонунчилигига риоя қилмади. Эҳтимол, Бухоро шаҳар ҳокимлиги комиссияси фирмага улғурчи савдо фаолияти билан шугулланиш ҳуқуқини берувчи гувоҳнома беришда ҳужжатларни юзаси қўрмаганда, «тадбиркор» бугун суднинг қора курсисиде бошини эгиб ўтирмасди.

Кези келганда шуни ҳам айтиш керакки, бугунги кўнда мамлакатимизда солиқ юки қамайитилмоқда. Молиявий жарималар либераллаштирилиб, ҳисоботлар қисқартрилмоқда. Тан олиш керак, кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқий ҳимояланш даражаси ошмоқда. Уларга имтиёз ва кафолатлар тизими яратилмоқда.

Ҳўш, шундай экан, нега Рустам Файзуллаев сингари «тадбиркорлар» имтиёзга эъ манфаатлари йўлидаги имконият, деб ҳис қилишмоқда?

Товуқ сомонни титқилаб, туҳумини очиб қўйганидек айёр, мўғомбир кимсалар қилмиши ҳам вақт-соати келиб фош бўлади. Ёпилик қозон ҳеч қачон ёпиқлигича қолмайди.

Жиноят ишлари бўйича Бухоро шаҳар суди «тадбиркорнинг» юқориде баён этилган қилмишига адолатли жазо тайинлади.

Бобур УМАРОВ, Жиноят ишлари бўйича Бухоро шаҳар суди судьяси,

Валижон ЮСУПОВ, «Инсон ва қонун» мухбири

Mulohaza uchun mavzu

БУГУНГИ ҚИЗЛАР — ЭРТАНГИ ОНАЛАР

Давлатимиз раҳбари Ислам Каримовнинг Халқ депутатлари Фарғона вилоят кенгашининг наватбадан ташқари сессиясидеги маърузасини диққат-эътибор билан тингладим. Маърузада Юртобшимиз ёшларимиз, айниқса, ўсмир ёшдаги қизлар тарбиясига алоҳиде эътибор қаратиб, ҳар бир ота-онанинг бу борадаги бурчларини яна бир қарра эслаш ўтдилар.

Мен ҳам онаман. Узоқ йиллардан буён ўрта мактабда сабоқ бериб келаман. Шунинг учун ҳам тарбия нақадар мураккаб жараёنлигини жуда чуқур ҳис этаман. Баъзида ўз фарзандларимиз тарбиясиде қийналиб қоламиз. Уларнинг кимиле истаёётганини тушунаймайми. Лекин бутун бир давлатни бошқараётган, мамлакатнинг ички ва ташқи сийосати зиммасида бўлган Президентимизнинг ёшларимиз ҳақида бу қадар жон кўридириб гапирганларини эшитиб,

қўзларимга ёш қалқиди. Узимизнинг лоқайдлигимиздан, фарзандларимизнинг эртаси учун Юртобшимиздек қайғурмаслигимиздан уялиб кетдим. Дарҳақиқат, бугунги ўсмир ёшдаги қизлар эртага уй бекаси, сўнгра она бўлишди. Биз бугун уларни маданият, маърифат, соғлом ва баркамол қилиб тарбияласак, эртага улар ҳам ўз фарзандларини ана шундай тарбия қилишди. Демакки, миллатнинг эртаси, юксалиши, тарбияси кўп жиҳатдан бугун-

ги қизлар — эртанги оналарга боғлиқдир.

Меҳнат фаолиятим давомида халқимизнинг «Боланинг ёмони бўлмайди», деган ҳақматли гапи беҳизга айтилмайган иқро бўлдим. Дарҳақиқат, фарзанд ниҳолда ўшайди, қай томонга тортсангиз, ўша томонга эгилади.

Ҳар бир боланинг феъл-атвори, аввало, оилада, боғчада, сўнгра мактабда шаклланади, яъни, боланинг қандай инсон бўлиб воғга етиши шу

уч омилга боғлиқ. Албатта, бу борада маҳалла-қўй, атроф-муҳитнинг ҳам таъсири инкор этиб бўлмайди. Демак, фарзанд тарбияси учун ҳар биримиз бурчимиз, Шу ўринда, ўзимизга: «Ҳўш, бугун ана шу бурчимизни қай даражада бажараёмиз?!», деган саволни бериб кўрсак, фойдалан ҳоли бўлмайди.

Таъкидлаш жоизки, кейинги ўн беш йилда қуриб фойдаланишга топширилган янги мактаб, лицей, коллеж ва олий ўқув юртилари биналари қуриб, қўзғингиз қувонади. Таълим тизимини ривожлантириш ва ислоҳ қилиш мақсадида қабул қилинган қонунлар, ҳукумат қарорла-

ри баркамол авлод келажаги йўлидаги жуда катта гамхўрликдир.

Бугунги кўнда ёшларимизнинг баркамол бўлиб воғга етишишлари, улар қалбиде Ватанга муҳаббат, эл-юрта садоқат туйғуларни шаклланиши учун имкониятлар етарли. Зеро, эртанги кўнимиз бугунги ёшлар қўлидадир. Афсуски, баъзи ишлардан бирдек кўнгли тўлади, деб айтолмайман. Масалан, мабуотимизда айрим хонандалар яратадиган қўшиқлар, клиплар, уларнинг ёшлар тарбиясига салбий таъсири ҳақида кўп ёзилаётти. Тўғриси, мен айрим эмасман. Шунинг учун айрим хонандалар иқро этаётган бир-бирига қовушмаган сўзлар тизмасини, четдан ўзлаштирилётган мусиқаларни таҳлил этишни адибэтишунос ва мутахассис-бастакорларга қолдириб, клиплар ҳақида фикрлашаск.

(Давоми тўртинчи бетда)

XXI АСР НАФАСИ

воқеалар, хабарлар, тафсилотлар

ИРОҚ: БИР КУНДА 100 НАФАР ҚУРБОН

«ИТАР-ТАСС» ахборот агентлиги мухбири Дина Пяних берган хабарга кўра, 20 ноябрь кўни Ироқ пойтахти Богдоднинг жанубий ҳудудида 14 нафар кишининг жасади топилган. Ироқ ҳуқуқ-тартиб идораларининг маълум қилишига, марҳумлар аввал қаттиқ қийноққа солинган, сўнгра отиб ташланган.

Ироқ полициячиларининг фикрича, бу жиноятга шва ва сунний маъзаблари ўртасидаги келишмовчиликлар сабаб бўлган. Чўки ўтган яқшабна кўни Ироқ пойтахти кўчаларидан бирида содир этилган портлаш натижасида шва маъзабига мансуб 10 нафар фуқаро қурбон бўлган ва яна 45 нафари турли даражада тан жароҳати олган эди.

Яқшабна кўни Богдоднинг турли туманларида жами 46

нафар фуқаро қурбон бўлган. Ироқ ҳуқуқ-тартиб идораларининг ҳисоб-китобларига таъйиб айтадиган бўлсак, биргина яқшабна кўнининг ўзиде пойтахтнинг 100 нафардан ошиқ фуқароси бевақт ҳаётдан кўз юмган.

Айни пайтда Ироқда расмий сафарда бўлган Сурия ташқи ишлар вазири Валид ал-Муаллимнинг фикрича, Ироқдан АҚШ бошчилигидаги коалиция қўнлар олиб чиқиб кетилсагина мамлакатда тинчлик ўрнатилишига олиб келиши мумкин.

ЯНА ИРОҚ ҲАҚИДА

АҚШнинг собиқ давлат котиби Генри Киссинжер ҳам Буюк Британиянинг «Би-Би-Си» телеканалига айни шу мавзуда интервью берган. Собиқ давлат котибининг таъкидлашича, «коалиция қўнларнинг Ироқда харбий галаба қозониши мумкин эмас».

Генри Киссинжернинг фикрича, АҚШ бирор-бир мақсадга эришиш учун Ироқ, қола-

верса, шу ҳудуддаги Ироққа қўшни бўлган мамлакатлар, жумладан, Эрон билан ҳам музокарага киришиши керак. Шунингдек, у АҚШ харбийларининг Ироқдан зудлик билан олиб чиқиб кетилиши ҳам «халокати оқибат»ларга олиб келиши мумкин, деб оғохлантиради ўз интервьюсиде.

Собиқ давлат котиби ушбу муаммони ҳал қилиш учун халқаро конференция ташкил қилиб, ушбу конференцияда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Хавфсизлик Кенгашининг беш нафар доимий аъзоси, жумладан, Хиндистон ва Покистон давлатлари ҳам қатнашиб, биргаликда ҳудуддаги муаммони вазиятни бартараф этиш лозимлигини таъки

